

Умурзоқов Баҳриддин Сафаровиҷ  
ТДШИ “Мумтоз филология” кафедраси  
катта илмий ходим-изланувчиси

## МАВЛОНО ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ВА УНИНГ ЎҒЛИ ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

**Аннотация:** Статья посвящена жизни и творчеству выдающейся личности Фахр ад-Дина Али Сафи. Он является сыном крупного представителя научной и литературной школы Герата Маулана Камал ад-Дина Хусейна Ваиза Кашифи. Фахр ад-Дин Али Сафи принадлежит несколько суфийских произведений. Историки и литературоведы в своих научных исследованиях использовали только литографические издания известного сочинения Али Сафи “Рашахат айн ал-хайат”. Однако, имеются серьёзные различия между литографированными изданиями и рукописными образцами этого сочинения. В настоящее время найден автограф рукопись “Рашахат”.

**Abstract:** The article devoted to life and creativity outstanding personality Fakhr ad Din Ali Safi. He is the son of the largest representatives of the scientific and literary school of heart Maulana Kamal al Din Hussein Vaiz Kashifi. Fakhr ad Din Ali Safi belongs to the sufi works. Historians and literary critics use only lithographic edition of the famous work “Rashahot ayn al hayat” of Ali Safi. However, there are serious differences between lithographed editions and handwritten samples of this work. Currently found autograph manuscript of “Rashahot ayn al hayat”.

XV асрнинг иккинчи ярми - XVI асрнинг боши Ҳиротда илмий-адабий мактаблар гуллаб-яшнаган бир даврdir. Баъзи тарихчи олимлар, тадқиқотчилар Ҳирот илмий-адабий мактабининг гуллаб-яшнаши ҳодисасини “Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлимидан кейин Самарқандаги илмий муҳит Бойқаро таҳтга чиққач, Ҳиротга кўчди”, дея Ҳусайн Байқаронинг салтанатга келиши билан, яъни Бойқаро шахсияти билан боғлайдилар ёки шунга ишора қиласидар. Аслида бу бевосита Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг шахсияти, олийжаноб фазилатлари, шахсий саъӣ-ҳаракатлари, олий ҳиммати, илм, ижод, санъат аҳлига бўлган юксак эътибори самараси бўлганлиги кундай равшандир. Худди шундай ҳолат бугун юртимизда илмга, илм аҳлларига нисбатан ўзгарган ижобий эътиборда ўз аксини топмоқда. Ўша даврда, ҳақиқатан, Ҳиротда адабиёт ва санъатнинг барча соҳаларида улкан юксалишлар юз берди, маданий-маънавий соҳаларда ажойиб ютуклар қўлга киритилди.

Алишер Навоийнинг ҳомийлиги, хос эътибори натижасида баракали ижод қилганлардан бири асли Савзаворлик Ҳусайн Воиз Кошифий ва унинг ўғли Али Сафийдир. Алишер Навоий ҳазратларининг беғараз моддий ва

маънавий ёрдами сабаб Кошифийлар оиласи номи абадиятга муҳрланди, десак асло муболаға бўлмайди.

Адабий манбашунослик ва матншунослик фанимизда ҳозиргача Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий ва Фахруддин Али Сафий Ҳиравий ҳаётлари ва ижодлари ҳақида биронта ҳам йирик маҳсус тадқиқот йўқ. Фақатгина Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (Ҳаёт булоғидан томчилар) асарининг тошбосма-литографик нашрларидан тарихчи олимларимиз ва адабиётшуносларимиз ўз илмий тадқиқотларида истифода қилишган, холос.<sup>1</sup> Ҳолбуки, Али Сафийнинг шоҳ асари “Рашаҳот” асарининг тошбосма ва литографик нашрлари билан асарнинг қўлёзма нусхалари ўртасида эса ғоят жиддий фарқлар, ўзгаришлар мавжуд.

Навоийдан юксак эътибор ва эҳтиром кўрган Кошифийлар оиласининг улуғи, шубҳасиз, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийдир. Аввало, бу аллома ҳақида қисқача сўз юритсак.

Алломанинг тўлиқ номи: Мавлоно Камолуддин Ҳусайн ибн Али Воиз Кошифий Сабзаворий Ҳиравий (ваф. 910 /1504). Воиз Кошифий ўз даврининг етук қомусий олими бўлиб, катта шон-шуҳратга эга бўлишига қарамасдан, Республикамиз миқёсида унинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида батафсил маълумот берувчи бирорта ҳам маҳсус йирик монография ёзилмаган.

Навоий Ҳусайн Воиз Кошифийга таъриф берар экан, бундай деб ёзган: “**Мавлоно Ҳусайн Воиз – “Кошифий” тахаллус қилур, Сабзаворликдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳрдадур ва Мавлоно зу фунун-у рангин ва пуркор воқеъ бўлубдур. Оз фан бўлғайким, дахли бўлмагай. Ҳусусан, ваъз, иншо ва (илми) нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсисида матаайиин (алоҳида, тайин –У.Б.) ва машҳур ишлари бордур...**”<sup>2</sup>

Навоий Ҳусайн Кошифийнинг аллома эканини, деярли барча фанлардан чукур боҳабар зотлигини, айниқса, иншо (наср) ва илми нужум, яъни фалакиёт (астрономия –У.Б.) илмларида ғоят истеъдодли олимлигини эътироф этган.

Навоий Кошифийнинг муфассир зотлигига (Қуръон илмлари билимдон эканига –У.Б.) алоҳида тўхталган. Навоий Кошифийнинг “Тафсир”и ҳақида бундай деб ёзган: “Мавлононинг тафсири “Жавоҳир ат-тафсир” дур, “ал-

<sup>1</sup> Абдуллаев И. Накшбандия – оламшумул таълимот // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент, 1993. № 9-10. Б. 55-58.; Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVII вв. (Письменные памятники) / Отв. ред. У.И.Каримов. Ташкент, 1985; Бабаджанов Б.М. Политическая деятельность шейхов накшбандийя в Мавераннахре (перв. пол. XVI в.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1996; Бобохонов Ш., Абдулазиз Мансур. Накшбандия тарикатига оид қўлёзмалар фижристи. Тошкент, 1993; Болдырев А.И. Ещё раз к вопросу о Ходжа Ахраре / Духовенство и политическая жизнь на ближнем и среднем востоке в период феодализма. Москва, 1982; Валихўжаев Б. Ҳожа Ахрор тарихи. Тошкент, 1993; Веселовский Н.И. Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде / Восточные заметки. Санкт-Петербург, 1895; Вяткин В. А. Изъ биографии Ходжи Ахрара. (Перепечатано из № 147. «Туркистанские ведомости», за 1904 г; Казаков Б. Анонимное житие Ходжи Ахрара. Москва, 1984; Казаков Б. Сыновья Ходжи Ахрара и последние Тимуриды. Москва, 1982; Каримов Э. Э. Роль, место и социальные позиции духовенство Мавераннахра в XV в.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1990.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун нафоис. Асарлар. Ўн беш жилдлик. Ж. 12. / Нашрга тайёрловчи: С.Фаниева. 1966 С.132

Бақара” сурасини бир мужаллад битибдурким, (бу суранинг ўзи –У.Б.) юз жузъ бўлғай”<sup>3</sup>

Бугунги қунимизгача “Тафсири Ҳусайн” номи билан маълум ва машҳур бўлиб келган мазкур “Мавоҳиби Алийя” асарининг элликдан ошиқ нусхалари Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази қўлёзмалар асосий фондида, шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари кутубхонаси фондида мавжуд. Булар ичидаги муаллиф, яъни Воиз Кошифийнинг дастхати билан хижр. 899 санада/ мел.1493 йилда кўчирилган, безакли, хушхат нусхаси, айниқса, ғоят нодир асар ҳисобланади.

Мазкур манбани ўрганиш асносида биз шундай хуносага келдикки, бу қўлёзма нусхани Воиз Кошифий ўз муборак қўли билан маҳсус қилқаламда ёзиб тугатгач, Ҳазрат Навоийга эҳтиром ила ҳадя айлаган. Зотан, ушбу “Тафсири”нинг асл номи, яъни “Мавоҳиби Алийя” (Ҳазрат Алишерга тухфа) шунга ишора қилмоқда.

Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг тафсирдан ташқари, ҳадис, адабиёт, тарих, риёзиёт, кимё фанларига оид қирқдан ошиқ катта ҳажмли илмий-адабий асарлари бор. Мана шунинг учун ҳам Навоий Воиз Кошифий ҳақида “оз фан бўлғайким, дахли бўлмағай” деб ёзган эди.

“Рашаҳот”даги маълумотга асосланиб, айтишимиз мумкинки, Ҳазрат Навоий ва Ҳусайн Воиз Кошифий дўстлиги, ижодий ҳамкорлиги қирқ йилдан ортиқроқ бир даврни ўз ичига олади. Бу икки истеъдод сохиби ўртасидаги беғараз, самимий дўстлик ҳамда ижодий ҳамкорлик таҳсинга лойик бўлган ва ажойиб самаралар берган.

Воиз Кошифийга Ҳирот подшоҳи – Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан ҳам катта эҳтиром кўрсатилган. Подшоҳнинг хос фармони олийларини, номаларини халққа Воиз Кошифий ўқиб берган вақтлар бўлар эди. Чунончи, Алишер Навоийнинг Мавлоно Абдураҳмон Жомий вафоти муносабати билан ёзган 70 байт (140 мисра)дан иборат марсиясини подшоҳнинг хоҳишига биноан Ҳирот халқига ўқиб берганлиги нақл қилинган.<sup>4</sup>

Навоий тазкиранавис ва шоир сифатида эътироф этган Кошифийларнинг яна бир вакили борки, бу Фахруддин Али Сафийдир.

Дарҳақиқат, Али Сафий ҳам ўз даврининг мумтоз сиймоларидан бири ҳисобланади. Мавлоно Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мавлоно Хондамир билан бир асрда ва бир шаҳарда яшаб, ижод этгани, Жомий ва Навоийнинг ҳимояси остида бўлганлиги Али Сафийнинг, ҳақиқатан, катта баҳти эди. Чунки Жомий ва Навоийдек улуғ зотлар ҳаёт бўлган даврда у Ҳиротда яхши таълим олган ва самарали ижод қилган.

Али Сафий асарлари муқаддимасида ўзини қўйидагича таништирган: “Фахруддин Али ибн Ҳусайн ал-Воиз ал-Кошифий – у “Сафий”

<sup>3</sup> Ўша асар С. 124

<sup>4</sup> Алишер Навоий Устоз Абдураҳмон Жомий вафотига ёзилган Марсия. Тошкент, 2014. Нашрга тайёрловчи: О.Алимов. С. 4

**тахаллуси билан танилгандир”<sup>5</sup>** Маълум бўлмоқдаки, Али Сафий Ҳирот илмий ва адабий мактабининг етук намояндаси бўлган Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғлидир.<sup>6</sup>

Фахруддин Али Сафий ўз отаси Мавлоно Воиз Кошифийнинг “зу фунунлик” (алломалик –У.Б.) мартабасига ҳавас қилганлиги аниқ. “Сафий” тахаллусини шоирга Мавлоно Абдураҳмон Жомий берганлиги нақл қилинган. Аслида Фахруддин Али ўзига “Зиё(уддин)” деб тахаллус танлаган ва бу ҳақда Абдураҳмон Жомийга айтганида, Жомий бундай жавоб қилган: “Сен Зиё тахуллусингни ўғлимга бергин – уни Зиёуддин деб атаймиз, ўзингга эса “Сафий” деб тахаллус қўйгил!”

Шу кундан бошлаб Фахруддин Али ёзган асарларига “Сафий” деб тахаллус қўя бошлайди.<sup>7</sup>

Али Сафийнинг яшаб ижод этган жойи, вафот этган ва дафн қилинган ери Ҳирот бўлгани учун “Фахруддин Али Сафий ал-Ҳиравий” деб ҳам аталган.<sup>8</sup> Унинг таваллуд санаси ҳақида эронлик тарихчи олимлар ва тазкиранавислар аниқ маълумот айтишмаган.<sup>9</sup>

Эронлик тадқиқотчи Аҳмад Гулчин Маъоний эса “Латоиф ал-тавойиф”га бағишлиланган тадқиқотида Али Сафийнинг туғилган санасини тахминий йўл билан аниқлашга ҳаракат қилган.<sup>10</sup>

Али Сафий ҳижр. 867 сана/ мел. 1471 йилда Сабзавор шаҳрида туғилган.<sup>11</sup> У ўз таваллуд иили ҳақида “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” асарида бундай деб ёзган: “**Хизмати волидим (яъни, Ҳусайн Воиз Кошифий - Б.У) алайхи-р-раҳма айтур эрдиларким, “Сен жумъа кечаси жумоду-л-аввал ойининг йигирма бирланчисида саккиз юз олтмиш еттида мутаваллид бўлдинг...”**<sup>12</sup>

Али Сафийнинг, ҳақиқатан, Сабзаворда туғилганига “Рашаҳот”даги қуйидаги маълумот асос бўла олади: “**Мен биринчи марта Самарқандга келиб, Ҳазрати Эшон (яъни, Хожа Убайдуллоҳ Ахрор –У.Б.) билан учрашиш шарафига муюссар бўлганимда, ул зот мендан: “Эй, йигит! Қаерликсан?” деб сўрадилар. Мен: “Туғилган ерим Сабзавор, аммо**

<sup>5</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт (Обиҳаёт томчилари): тарихий-маърифий асар / Таржимон: Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Жорий алифбодаги ёзувга табдил қилиб, нашрга тайёрлаганлар ва кириш сўз муаллифлари: Махмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умурзок. Сўнг сўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б. Умурзоков. Тошкент, 2004. С. 14

<sup>7</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт (Обиҳаёт томчилари): тарихий-маърифий асар / Таржимон: Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Жорий алифбодаги ёзувга табдил қилиб, нашрга тайёрлаганлар ва кириш сўз муаллифлари: Махмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умурзок. Сўнг сўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б. Умурзоков. Тошкент, 2004. С. 9

<sup>8</sup> Мавлоно Фахруддин Али Сафий. Латоиф ал-тавойиф / Нашрга тайёрловчи: Аҳмад Гулчин Маъоний. Техрон, 1373 /1953.

<sup>9</sup> Ўша асар. С. 2

<sup>10</sup> Ўша асар. С. 3

<sup>11</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт (Обиҳаёт томчилари): тарихий-маърифий асар / Таржимон: Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Жорий алифбодаги ёзувга табдил қилиб, нашрга тайёрлаганлар ва кириш сўз муаллифлари: Махмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умурзок. Сўнг сўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б. Умурзоков. Тошкент, 2004. С.11

<sup>12</sup> Ўша асар. С. 2

**Ҳирийда** (Ҳирот шаҳрида -У.Б.) **нашъу намо топибдурман**”, деб жавоб бердим”<sup>13</sup>.

Алишер Навоий “Мажолис ан-нафоис” номли асарида Али Сафий ҳақида бундай ёзган: “**Ул бағоят дарвешваш ва фоний, дардмандшева йигитдур. Ҳиротдан Самарқандга Ҳазрати Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор сұхбатига мушарраф бўлур учун борди ва андоқ дерларким, онда қабул шарафин топиб, иршод ва талқин саодатига сарафroz бўлуб, яна Ҳуросонга келди...**”<sup>14</sup>.

Али Сафий илк сабоқни замонасининг етук олимларидан бири бўлган отасидан олганлиги шубҳасиз. Шунингдек, Ҳирот мадрасаларида илм таҳсил қилганлиги ҳам аниқ. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа Ҳирот олимлари, шоирлари билан мулоқотда бўлганини унинг “Латойиф ат-тавойиф” (“Ажойиб лутф сўзлар”) номли асаридан ҳам билиб олиш мумкин. Мазкур асарда Ҳиротнинг таниқли олимлари, шоирлари ўртасида бўлиб ўтган қизиқ ҳикоялар, нуктадонлик, яъни топқирлик, заковат билан ўзаро айтилган латиф сўзлар ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, Али Сафий 1484 йили Мовароуннахрга келади. У Қаршида Ҳожа Ахрор билан учрашиш баҳтига мұяссар бўлади ва тўрт ой давомида ул зотнинг хизматида бўлади. 1487 йилда у яна Самарқандга келиб, энди саккиз ой Ҳожа Ахрор хизматида бўлади. Али Сафий Ҳожа Ахрор ва ул зотнинг ўғилларидан кўп илтифотлар кўради.

Али Сафий Ҳожа Ахрордан эшитган сўзларни ёзиб боради. Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор вафотидан кейин ёзиб олган нарсаларини жамлаб, бир китоб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бироқ замоннинг турли воқеа-ҳодисалари, замона нотинчлиги боис бу орзусини тўлиқ амалга ошира олмайди. Ниҳоят, 1503 йили, яъни Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор вафотидан 16 йил ўтиб, мазкур китобини ёзиб тугатишга муваффақ бўлади ва китобига “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (“Ҳаёт булогидан томчилар”) деб ном қўяди. “**Ажойиб тасодифлардан бири шулки, - деб ёзган эди муаллиф, - китобнинг номи унинг ёзилиш тарихини (абжад ҳисоби бўйича – Б.У.) ифодалайдиган бўлиб чиқди**”<sup>15</sup>.

Фахруддин Али Сафий Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ёлғиз фарзандидир. Тарихчилар ва тазкиранависларнинг бу ҳақдаги фикрлари бир хил.<sup>16</sup>.

Эронлик тарихнавислар ва тадқиқотчиларнинг асарларида Мавлоно Жомий ва Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий божа бўлишган, деган қараш

<sup>13</sup> Ўша асар. С. 9

<sup>14</sup> Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Асарлар. Ўн беш жилдлик. Ж. 12. / Нашрга тайёрловчи: С.Фаниева. 1966. С. 132

<sup>15</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт (Обиҳаёт томчилари): тарихий-маърифий асар / Таржимон: Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Жорий алифбодаги ёзувга табдил қилиб, нашрга тайёрлаганлар ва кириш сўз муаллифлари: Махмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умурзок. Сўнг сўз муаллифи ва масъул мухаррир: Б. Умурзоқов. Тошкент, 2004. С. 16

<sup>16</sup> Мавлоно Фахруддин Али Сафий. Латойиф ал-тавойиф / Нашрга тайёрловчи: Ахмад Гулчин Маъоний. Техрон, 1373 /1953. С.3

бор<sup>17</sup>. Тарихчи олим Б.Аҳмедов эса “(Хусайн Воиз) Кошифий Абдураҳмон Жомийнинг қайин инисиидир”, деб ёзган.<sup>18</sup> Аммо бу қарашлар хато. Чунки Фахруддин Али Сафий “Рашаҳот” асарида Мавлоно Жомий таржимаи ҳолини баён қиласар экан, бундай деб ёзган: “Ушбу сатрлар муаллифига (яъни, Али Сафийга – Б.У.) тўққиз юз тўртинчи сана шаъбон ойида Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруху ҳазратларининг катта ўғли Хожай Калон хизматига киришлик ва ул зотга домод бўлишлик насиб бўлди. Ва (Мавлоно Хожай Калон – Б.У.) мени бандаликка (яъни, муридликка, шогирдликка – Б.У.) қабул қилдилар. Шунда падарим алайхир-раҳма (яъни, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий – Б.У.) дедиларки, “шул воқеъаки, бундан қирқ йил олдин (туш –Б.У.) кўрган эдим, мана шу соатда воқеъ бўлди, ўз таъбирини топди...”

Али Сафий Мавлоно Жомий таржимаи ҳоли баёни охирида яна қуидагиларни ёзган: “**Махфий қолмасинким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сиррухунинг валади бузрукворлари Ҳазрати Хожай Калоннинг икки қизлари бор эди. Бирига Мавлоно Жомий уйланган эдилар, иккинчи қизлари эса мен билан никоҳланди. Ва (қуидаги мисралар -У.Б.) мана шу маънода айтилди: Қитъа.**

**Ду кавкаби шараф аз буржи Саъд миллату дин,  
Тулувъ карду бар омад ба сони дур зи садаф.  
Аз он яке ба зиё гашт байти орифи Жом,  
Аз ин ҳазиз ва боли Сафий шуд авжи шараф”.**

Мазмуни:

Икки шараф юлдузи миллат ва диннинг баҳтиёрлик буржидан,  
Дур садафдан чиққани каби нур сочиб чиқди.  
Улардан бири Жом орифи уйининг нури бўлди,  
Бу насибадан Сафийнинг қаноти шараф чўққисига етди.<sup>19</sup>

Демак, Абдураҳмон Жомий Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий билан эмас, балки унинг ўғли Али Сафий билан божа бўлган.

“Риёз ал-уламо” муаллифи ёзишича, Мавлоно Кошифий Ҳирот ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида шиъя ва рофизий фирмаларига мансуб деб танилган эди. Сабзавор ва бошқа шаҳарларда эса у шийъа мазҳаби мансуби деб гумон қилинган ва бунга ишонишган. Аслида эса, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий ва ул зотнинг ўғли Али Сафий Аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқоди ва ҳанафий мазҳабига мансуб эдилар. Бунга уларнинг ёзган адабий асарлари, илмий мерослари яққол мисолдир.

<sup>17</sup> Ўша асар С. 4

<sup>18</sup> Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVII вв. (Письменные памятники) / Отв. ред. У.И.Каримов. Ташкент, 1985. С. 202

<sup>19</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот айн ал-хаёт (Обиҳаёт томчилари): тарихий-маърифий асар / Таржимон: Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Жорий алифбодаги ёзувга табдил қилиб, нашрга тайёрлаганлар ва кириш сўз муаллифлари: Махмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умурзок. Сўнг сўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б. Умурзоқов. Тошкент, 2004. С. 212

Отасининг вафотидан кейин Ҳиротнинг катта жомеъсидаги ваъз, хитобат иши Али Сафийга қолди. “Ҳабиб ас-сияр” муаллифи Мавлоно Хондамир бу ҳақда қўйидаги маълумотларни берган: “Ҳижр. 929 сана (мел. 1522 йил –Б.У.) **Мавлоно Камолуддин Ҳусайннинг фарзанди аржуманди Мавлоно Фахруддин Али ўз отаси ўрнига қоими мақом** (ўринбосар – Б.У.) бўлди. Жумъа тонги у Ҳирот жомеъсида – бу жомеъ барча файз оладиган муборак бир ердир – халққа насиҳат айлар, барчани Ҳаққа даъват этур эди. **Гоят хуш, балиғ, чиройлик нутқ қилур ва бу хитоб-иршоди билан кўнгилларга сурур баҳш қилур...**”

“Тухфаи Сомий” асарига ишланган миниатюра (митти, кичик сурат – У.Б.) “*Мавлоно Фахруддин Али Сафийнинг ваъз мажслиси*” деб номланган.<sup>20</sup> Бу сурат Фахруддин Али Сафийнинг Ҳирот илмий мухитида ўзига хос мавқе эгаси бўлганига далолат қиласди.

Мавлоно Жомийнинг, кейинроқ Алишер Навоийнинг вафотидан сўнг илм-фан, адабиёт ва санъат барқ уриб гуллаган Ҳиротдан файзу барака кўтарилиди.

Ҳижрий 938 сана Рамазон ойининг 29-куни (мел. 1531 йил) Убайдуллоҳон ўз лашкари билан Ҳирот ташқарисига келди ва бу шаҳарни қамал қилди. Сув, озиқ-овқат каби шаҳар халқи учун келадиган ёрдам йўлини батамом тўсиб қўйди. Ахвол кундан-кун ёмонлашади. Иш шунга бориб етадики, халқ ит ва мушук гўшти ейишга тушди. Айни сананинг рабийъул-аввал ойининг 14-куни Шоҳ Тахмасб Ҳирот халқига ёрдамга келди. Убайдуллоҳон чекинди ва Ҳирот қамалдан озод бўлди.

Али Сафий “Латойиф ат-тавойиф” асари дебочасида ёзишича, у 939 ҳижрий сананинг (мел. 1532 йил) охирида Ҳирот қамалидан кейин турли қийинчилик ва бало-уқубатлардан узоқ бўлиш мақсадида Гуржистонга<sup>21</sup> – Шоҳ Муҳаммад Сайфулмулук хизматига борган.<sup>22</sup>

Шоҳ Муҳаммад Сайфулмулук Али Сафийга ҳурмат кўрсатади. Шу боис у кўп таҳликалардан омон қолган. Чунки бу давр суннийлар ва шиъалар тортишувлари авж олган бир давр эди.

Али Сафий ўзига кўрсатилган иззату ҳурматдан хурсанд бўлиб, Шоҳ Муҳаммадни мақтаб бир қасида ёзади. Шоир мазкур қасидасида азоб-уқубатлардан қандай омон қолганига алоҳида урғу берган. Аммо Али Сафийнинг хотиржамлиги узоққа бормайди.

Ўша йили Шоҳ Тахмасб Сафавий Гуржистонга ўз амирларини қўшин билан юборди. Улар шаҳарни қўлга киритадилар. Шоҳ Тахмасбнинг ўзи эса Машҳадга юриш қиласди.

Гуржистон ўт-олов, уруш чангалида қолган кунлар Али Сафий бу шаҳардан қочади ва Ҳиротга қараб йўл олади. Бу йўлчилик Али Сафийга

<sup>20</sup> Мавлоно Фахруддин Али Сафий. Латойиф ал-тавойиф / Нашрга тайёрловчи: Аҳмад Гулчин Маъоний. Техрон, 1373 /1953. С. 5

<sup>21</sup> Гуржистон – Ҳирот, Ғур, Марваруд ва Фазна оралиғидаги тоғли ноҳия.

<sup>22</sup> Мавлоно Фахруддин Али Сафий. Латойиф ал-тавойиф / Нашрга тайёрловчи: Аҳмад Гулчин Маъоний. Техрон, 1373 /1953. С. 2

оғир бўлган. У охирги бир йил мобайнида бошидан ўтказган азоб-уқубатлар таъсирида йўлда – Ҳирот яқинида вафот этади. Бу ҳақда “Анвор ал-қудсийя” асарида маълумот берилган: “У (яъни, Али Сафий - Б.У.) Ҳирот ташқарисида вафот этди. Унинг (муборак) жасади Ҳирот шаҳри ичига олиб кирилди ва дағн қилинди. Бу воқеа ҳижрий 939 (мел. 1532) санада содир бўлди”.<sup>23</sup>

Эронлик тадқиқотчи Аҳмад Гулчин Маъоний фикрига кўра, Фахруддин Али Сафий бу вақтда олтмиш уч ёшда бўлган. Алломанинг қабри Ҳирот шаҳридаги Ихтиёридин қалъаси яқинида жойлашган<sup>24</sup>.

Фахруддин Али Сафийнинг фарзанди бор ё йўқлиги ҳақида бирон-бир маълумот тополмадик. Эронлик тадқиқотчилар ҳам бу ҳақда ёзишмаган.

Фахруддин Али Сафий “Сафий” тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Унинг “Лайли ва Мажнун” вазнида “Маҳмуд ва Аёз” номли шеърий манзумаси (достони), шунингдек, “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғидан томчилар”) асарида ўндан ортиқ рубоийлари, қитъа ва байтлари мавжуд.

Қуйидаги асарлар Али Сафий қаламига мансуб асарлар сифатида эътироф этилган: “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғидан томчилар”), “Латойиф ат-тавойиф” (“Ажойиб лутф сўзлар”), “Анис ал-орифийн” (“Ориф зотларнинг ҳамроҳи”), “Ҳирз ал-амон мин фитан ал-замон” (“Замона фитналаридан халос бўлиш учун омонлик чоралари”), “Фарасномаи Сафий” (“Сафийнинг от ҳақидаги достони”), “Одоб ал-асҳоб” (“Биродарлик одоби / Биродарлар учун одобнома китоби”), “Лавоих ал-қамар” (“Ойнинг кўринишлари ҳақида”), “Манзума-и Маҳмуд ва Аёз” (“Маҳмуд ва Аёз ҳақида шеърий достон”), “Луғати Али Сафий” (“Али Сафийнинг луғати/сўзлиги”).

ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази нинг Асосий ва X. Сулаймонов номидаги қўлёзма фонdlарида мазкур асарларнинг ўнлаб қўлёзма нусхалари ва тошбосма нашрлари сақланади.

Уларни ўзаро қиёслаганимизда, шу нарсага қатъий амин бўлдикки, Али Сафий асарларининг қўлёзма нусхалари муҳтасарлиги, матни тўлиқ эканлиги билан ўша асарнинг литографик нашрларидан фарқ қиласи. Тошбосма нашрларда чалкаш ўринлар талайгина учрайди. Айниқса, Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” асарининг нодир қўлёзмалари адабий манбашунослик хусусиятлари ва матншунослик жиҳатидан ҳануз яхлит ва изчил ўрганилган эмас.

Али Сафий “Рашаҳот” асарида йирик бир бобда Абдураҳмон Жомий ҳақида муфассал сўз юритган. Шу муносабат билан у Алишер Навоийни бир неча ўринда “Амир Низомиддин Навоий” деб эҳтиром билан зикр қиласи. Мазкур ўринларда у Навоийнинг ўз устози Мавлоно Жомийга нисбатан ҳар доим нечоғлик юксак эҳтиром кўрсатганига, бу билан ҳазрат Навоийнинг чиройли одоб-ахлоқли комил инсон ҳамда олийжаноб қалб эгаси бўлганлигига алоҳида ургу берган. Чунончи, Навоий Мавлоно Жомийни

<sup>23</sup> Анвор ал-қудсийя фи маноқиб ас-содоти ан-Накшбандийя. Миср, 1344/1925. С.137

<sup>24</sup> Ўша жойда

ҳаждан қайтишини орзиқиб қутган. Ҳусайн Байқаро Марвда экан, унга “Мавлоно Жомий Ҳиротга етиб келибдилар” деган хабар етганида, Бойқаро дарҳол ўз ихлоси ва ҳурматини ифодалаб “лойик тухфалар” (муносиб тухфалар, совғалар-У.Б.) билан бир мактуб юборади. Ажойиб тасодиф, Мавлоно Жомий қўлига Бойқаро мактуби ва Навоийнинг руқъаси бир вақтда етиб келган. Руқъада қуидаги мисралар Навоийнинг ўз қўли билан битилган эди: Рубоий.

*Инсоф бидеҳ эй фалаки мийно фом,  
Тоз-ин ду кудом хубтар кард хиром.  
Хуришиди жаҳон тоби ту аз жаноби субҳ,  
Ё мөҳи жаҳон гарди ман аз жониби шом.<sup>25</sup>*  
(Мазмуни: Инсоф қил, эй кўк гумбазли фалак,  
Бу икковидан қай бири чиройлироқ хиром этди.  
Тонг вақти чиққан нурли қуёшми,  
Ёки шом чоги чиққан олам кезувчи Ойимизми?)

Бу мисралар ҳазрат Навоийнинг меҳр-муҳаббатга тўла салим қалби нақадар соф, покиза бўлганлигига, ул зотнинг маърифати ва маънавияти чўққиси эса нақадар юксак бўлганлигига далолат қиласди. Мавлоно Жомийга Ҳусайн Бойқаронинг расмий мактубидан кўра ҳазрат Навоийнинг меҳр ифодалаган самимий мисралари маъкул келгани аниқ. Зеро, “Рашаҳот”да ёзилишича, Бойқаро Жомий ва Навоийнинг ҳажга боришлирига турли хил баҳоналарни рўкач қилиб, кўп бор уларни бу муборак сафардан қолдирган. Аммо Абдураҳмон Жомий охири ўз заковати ва топқирлиги билан Бойқарони мот айлагач, ҳаж сафарига боришга мушарраф бўлган.<sup>26</sup>

Дарҳақиқат, ҳазрат Навоий катталарга ҳурмат, кичикларга иззат бобида факат ўз замондошлиригагина эмас, балки кейинги насллар учун ҳам улкан ибрат намунаси эди. Навоийнинг ҳомийлиги боис Ҳиротда юзлаб истеъдод эгалари эркин, ғам-ташвиш нималигини билмай ижод қилиш баҳтига мушарраф бўлишган. Ана шу истеъдодлар қаторида Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий ва ул зотнинг ўғли Фахруддин Али Сафий ҳам муносиб ўрин олган бўлиб, ота ва ўғилдан инсониятга бой илмий-адабий мерос қолди.

Мумтоз адабиётимизнинг етук сиймолари Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳимояси остида етишган олим ва фузалолар, ижодкорлар ҳақида келгусида йирик монографик тадқиқотлар яратиш тадқиқотчиларимиз олдида турган муҳим ишлардан биридир.

<sup>25</sup> Али Сафий. Рашаҳот. Лакхнав, 1890.С. 197

<sup>26</sup> Ўша асар. С. 191-192